

## ИСТИҚБОЛЛИ ТАДБИРКОРЛАРГА — ТАЪЛИМ ВА МИКРОКРЕДИТЛАР АЖРАТИШ

*Ережесов Қууанышбай Жиенбай улы*  
*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар*  
*Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик*  
*олий мактабининг Қорақалпоғистон*  
*Республикаси ҳудудий филиали бош мутахассиси*  
 +998 99 318 96 62

Ўзбекистонда тадбиркорларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш, тадбиркорларга инновацион таълим бериш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлигини ривожлантириш буйича бирқанча ислохатлар амалга оширилган. Хусусан 2025 йил 20 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг тадбиркорлар билан бўлган очик мулоқотида давлатимизда тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ва янги лойиҳаларни амалга ошириш учун янада қулай шароитлар яратиш, тадбиркорликни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича муҳим ташаббусларни илгари суриш бўйича топшириқлар берган.

Шунингдек, тадбир доирасида эндиликда банк ва микромолия ташкилотлари тизимида **муқобил скоринг моделини** ишга туширилиб, кредит бериш шартлари осонлаштирилади, кичик тадбиркорлар оёққа туриб олиши ва фаолиятини кенгайтириши учун мутлақо янги ёндашувлар жорий қилиниши ҳамда кичик тадбиркорлик субъектларини тадбиркорликка ўқитиш, уларга лойиҳа қилиб бериш, фаолиятини молиялаштириш, маҳсулотларига бозор ва бизнесига шериклар топиш бўйича яхлит эко-тизим яратилишини таъкидлаб ўтди.

### Кириш

Ҳозирги замон иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнес миллий тараққиётнинг муҳим драйверларидан бири ҳисобланади. Янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, инновацион ғояларни амалиётга жорий этишда тадбиркорлар асосий куч сифатида намоён бўлади. Шу боис истиқболли тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда таълим ва микрокредитлар тизими муҳим омил ҳисобланади.

**Аннотация:** Мақолада республикада тадбиркорлик соҳасининг сўнги йиллардаги янгиланишлари, ривожланиш кўрсаткичлари ҳамда амалга оширилаётган ислохатлар таҳлили қилинади. Тадбиркорларга таълим бериш, кредитлаш механизмнинг босқичлари, соҳада вужудга келаётган муаммолар ва

уларнинг ечимлари муҳокама қилинади. Соҳа бўйича статистика маълумотлари, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишлари келтирилиб ўтилади.

**Калит сўзлар:** Тадбиркорлик соҳаси, иқтисодий ўсиш, таълим, тадбиркорликка ўқитиш, таҳлил, кўрсаткичлар, микрокредитлар, устувор йўналишлар, ривожлантириш.

### **Тадбиркорликда таълимнинг аҳамияти:**

Тадбиркорларни ўқитиш, уларга микрокредитлар ажратиш, рақамли иқтисодиёт кўникмаларини пухта эгаллашлари учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш бўйича давлатимизда илк марта Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 13.10.2020 йилдаги «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарордан сўнг аҳоли ва тадбиркорларни кичик бизнес асосларига ўқитиш чора-тадбирлари жадал турда амалга оширилиб бошлади.

1. **Бизнес кўникмаларини ривожлантириш** — бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардош тадбиркор бўлиш учун назарий билим билан бир қаторда амалий кўникмалар зарур.

2. **Инновацион фикрлаш** — янги ғояларни илгари суриш ва амалга ошириш, технологик янгиланишга тез мослашиш таълим жараёнида шаклланади.

3. **Молиявий саводхонлик** — тадбиркор молия ва ҳисоб-китоб соҳасида билимга эга бўлиши зарур. Бу кредит маблағларидан унумли фойдаланиш имконини беради.

4. **Давлат дастурлари** - Давлат дастурлари — бу давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тартибга солувчи чора-тадбирлар тизими.

Давлат дастурлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли соҳаларида аниқ мақсадларга эришишни назарда тутди.

### **Микрокредитларнинг роли:**

Бугунги кунга келиб одамларнинг банклар ва микромолия ташкилотлари ҳақидаги тасавури тубдан ўзгарганлигини кўришимиз мумкин. Молия муассасалари томонидан кўрсатилаётган замонавий хизматларнинг хонадонларгача кириб бораётгани бунга асос бўлди. Мамлакатимиз бан-молия тизимида амалга оширилаётган ислохотлар банк-мижоз ўртасидаги муносабатларда ўз аксини топмоқда. Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бу борада Президентимиз раҳбарлигидаги ислохотларнинг бир қисми банк ва микромолия ташкилотлари тизимида самарали иш олиб бормоқда. Хусусан, 2024 йил фақатгина

“Ўзсаноатқурилишбанк” акциядорлик тижорат банки томонидан бандлик ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга доир иқтисодий дастурлар асосида **8 000 та** янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилган.

Микрокредитлар — бу кичик миқдордаги молиявий ресурслар бўлиб, улар янги бизнесни бошлаш ёки мавжудини кенгайтириш учун ажратилади.

Микрокредитларнинг асосий афзалликлари қуйидагича:

- Кичик тадбиркорлар учун **йўл очиши**,
- **Молиявий мустақилликни** таъминлаши,
- Ижтимоий тенгликни қўллаб-қувватлаши, хусусан, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигида имконият яратиши.

### **Микрокредитлаш тартиби:**

Биринчидан, Мижоз учун қулай шартларда микроқарзни тақдим этишга қодир банк ёки микрокредит ташкилотини танлаш керак. Микроқарз бериш шартлари ҳақида маълумот билан банклар ва микрокредит ташкилотларининг расмий веб-сайтлари (агар улар мавжуд бўлса) ва/ёки уларнинг офисларига ташриф буюриш орқали танишиб чиқиш керак бўлади.

**Микроқарз олиш учун Мижоз мурожаат қилмоқчи бўлган ташкилотни танлаб, банк ёки микрокредит ташкилотига қуйидагиларни тақдим этишингиз керак:**

- микроқарз олиш учун ариза;
- шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт/ идентификация ID-картаси/ янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси/ ҳарбий билет);
- фаолият ва даромад ҳақида маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар.

**Микроқарз бўйича таъминот учинчи шахс кафиллиги, суғурта полиси, ликвидликка эга бўлган мол-мулк гарови ва бошқалар бўлиши мумкин.**

Микроқарз берувчи ташкилот аризани олгандан сўнг уч иш куни ичида уни кўриб чиқиши ва қарор қабул қилиши шарт. Шу билан бирга микроқарз бериш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинишига таъсир этувчи омиллар:

- ижобий кредит тарихи;
- доимий даромад манбаининг мавжудлиги;
- йетарли таъминотни таъминлаш;
- керакли ҳужжатларни тўлиқ тақдим этиш.
- Шунинг таъкидлаш керакки, баъзи банкларнинг мобил иловалари масофадан туриб микроқарз олиш имконини беради.

**Таълим ва микрокредитнинг ўзаро боғлиқлиги:**

• Фақат микрокредит ажратиш тадбиркорлик муваффақиятини кафолатламайди. Агар тадбиркор етарли билим ва кўникмаларга эга бўлмаса, молиявий ресурслар самарасиз сарфланиши мумкин.

• Таълим жараёнида тадбиркор кредит маблағларини қай тарзда унумли ишлатиш, бозор таҳлилини олиб бориш, хатарларни бошқаришни ўрганади.

• Шу билан бирга, молиявий ресурслар таълим жараёнида олинган билимларни амалий ҳаётга тадбиқ қилиш учун моддий асос яратади.

#### **Амалий таклифлар:**

1. Тадбиркорлик таълими дастурларини кенгайтириш ва амалий йўналишда ташкил этиш.

2. Ёшлар, аёллар ва қишлоқ ҳудудидаги тадбиркорларга имтиёзли микрокредитлар ажратиш.

3. Таълим ва кредит дастурларини ўзаро уйғунлаштириб, “**таълим + молия**” модели асосида лойиҳаларни йўлга қўйиш.

4. Стартаплар учун акселерация марказларини ташкил этиб, уларни ҳам назарий, ҳам молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш.

#### **Хулоса**

Истиқболли тадбиркорларнинг муваффақияти уларга яратилаётган шароитларга боғлиқ. Таълим ва микрокредитлар бир-бирига уйғунлашган ҳолда тадбиркорлик экотизимини мустаҳкамлайди. Бундай ёндашув орқали янги бизнес ғоялари қўллаб-қувватланади, иқтисодий ўсиш суръатлари ошади ва жамиятда ижтимоий барқарорлик таъминланади.

#### **Адабёт ва манбалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бошқарувининг қарори 22.02.2018й. 2975-сон.
2. [https://t.me/Press\\_Secretary\\_Uz](https://t.me/Press_Secretary_Uz)
3. [https://www.norma.uz/qonunchilikda\\_yangi/istiqbolli\\_tadbirkorlarga\\_-\\_talim\\_va\\_mikrokreditlar](https://www.norma.uz/qonunchilikda_yangi/istiqbolli_tadbirkorlarga_-_talim_va_mikrokreditlar)